



140704, Иштихон шаҳри, Иштихон кўчаси-4-уй
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

140704, д.Иштихан ул. Иштиханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

2018-й.г «23» феврал

№ 539-К

Иштихон ш.-г.Иштихан

Тумандаги "Минглар" МФЙ ҳудудидаги
"Тарвучтовок" кишлоғи ҳудудидан "FIRDAVS
PROGRESS SERVIS" оилавий корхонасига
фаолиятини кенгайтириш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2796-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги "Аҳоли пунктларини қуришда шаҳарсозлик ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлашга, шунингдек тадбиркорлик мақсадлари учун ер ажратиш тартибини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 467-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Иштихон тумани Зарбулок МФЙ Арабхона кишлоғида фаолият олиб бораётган "FIRDAVS PROGRESS SERVIS" оилавий корхонасига тегишли бўлган "FIRDAVS" тўйхонаси ёнида бўш турган ер майдонидан корхона фаолиятини кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида ер майдони ажратиш беришини сўраб ёзган 2018 йил 8 февралдаги 1-сонли хатини, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссия аъзоларининг 2018 йил 10 февралдаги 9-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6-моддасига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссия аъзоларининг 2018 йил 10 февралдаги 9-сонли ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Минглар МФЙ ҳудудидаги Тарвучтовок кишлоғи ҳудудида жойлашган бошқа ер тоифасидаги кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган ер майдонидан "FIRDAVS PROGRESS SERVIS" оилавий корхонасига корхона фаолиятини кенгайтириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш учун 0.19 гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. "FIRDAVS PROGRESS SERVIS" оилавий корхонаси раҳбари Ш.Мардиевга белгиланган тартибда ажратилган ер майдонини вилоят экологик экспертизасининг ҳулосасини олиш ҳамда лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш, тегишли ташкилотлардан руҳсат олингандан сўнг, қурилиш ишларини бошлашга руҳсат берилсин ва белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали (Х.Астонов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов

Ш.Негматов